ПЛОТИН ДУНЁҚАРАШИДА БОРЛИҚ МАСАЛАЛАРИНИНГ МУҲОКАМАСИ

Бекзод Пардаев
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти
Илмий раҳбар: Хуршид Илхомович Тошов
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси (PhD)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Антик дунё забардаст файласуфларидан бири бўлмиш неоплатонизм асосчиларидан бири бўлмиш Плотин таълимоти қисқача кўриб чиқилади. Плотин ўзидан деярли ярим минг йиллик илгариги меросга мурожаат қилди, уни тиклашга уринди. У кўпроқ мистик, теософ сифатида таасурот қолдирган. Яна Плотиннинг фалсафий таълимоти бошқа Антик давр фалсафий таълимотлари билан қиёсий таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Плотин, фалсафа, неоплатонизм, теософия, этика, давлат, маънавият, тарих.

DISCUSSION OF EXISTENCE (ONTOS) ISSUES IN PLOTIN'S WORLDVIEW

Bekzod Pardayev
Master student, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Supervisor: Khurshid Ilkhomovich Toshov
Senior teacher (PhD), National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ABSTRACT

This article gives a brief overview of the teachings of Plotinus, one of the great philosophers of the ancient world and one of the founders of Neoplatonism. Plotinus appealed to the legacy of almost half a thousand years ago, trying to restore it. He impressed more as a mystic, a theosophist. Again, Plotinus' philosophical teachings are compared with other ancient philosophical teachings.

Keywords: Plotinus, philosophy, neoplatonism, theosophy, ethics, state, spirituality, history.

КИРИШ

Плотин Неоплатонизми. Плотиннинг ҳаёти. Унинг туғилган жой ҳақида аниқ маълумот мавжуд бўлмай, Эвнапий уни Ликонда таваллуд топган деса, Свида – Ликополда туғилганлигини таъкидлайди. Ҳар ҳолда унинг Мил. Авв. 203-204 йилларда Мисрда дунёга келганлиги аниқ.(Порферей 206 йил деб таъкидлайди). Порферейнинг айтишича, Плотин искандариянинг кўплаб профессорлари маърўзаларига қатнаган ва 38 ёшга тўлгандагина ўзи излаган мутафаккир Аммони Саккас билан учрашишга мувофақ бўлади. У 242 йилга қадар Аммонининг шогирди бўлиб ундан таҳсил кўрган, айни йилда эса, император Гордианнинг қўшини таркибида Эрон фалсафасини ўрганиш мақсадида Эронга жўнаб кетади. Аммо Гордиан Мисопотамияда ўлдирилгач, экспедиция мувофаққиятсиз якун топади. Бу пайтга келиб 40 ёшга тўлган Плотин Римга йўл олади. Бу ерда у ўз мактабига асос солиб юқори мартабали давлат амалдорлари, ҳатто, император Галлиен ва унинг рафиқаси ишончини қозонади. Платин уларга Афлотуннинг “Давлат” асаридаги ғоялар асосида ҳаёт кечирадиган Платонополис шаҳрига асос солишни таклиф қилади ва бунинг учун императордан розилик ҳам олган эҳтимол, аммо, негадир император номаълум сабабларга кўра мазкур ғояни рад этади, ҳамда шаҳар ғояси шунинг билан барҳам топади. Плотин 60 ёшга кирган чоҳларда унинг шогирди Порферийнинг номи ҳам чиқиб қолганди, кейинчалик эса Порферей устозидан жуда илҳомланган шогирд унинг автобеографиясини ёзади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кейинчалик Попрферей устозининг асарларини тизимлаштирриб, уларни ҳар бири 9 бобдан иборат 6 китобга ажратади. Плотининг асарларини бирлаштиришга хиўзмат қиладиган Иниада атамаси шундан келиб чиққан. Айтишларича файласуфнинг оғзаки маърўзалари содда ва равон услубда баён қилинган бўлиб, унинг ёзма асарларини мутоала қилиш бирмунча мураккабликлар туғдиради. Бу ҳол мутафаккир кўриш қобилиятининг нисбатан пастроқ бўлганлиги, ҳҳамда айни сабабга кўра у қўлёзмаларини қайта кўздан кечирмаганлиги билан иўзоҳланади. Бу эса турган гапки, Порферейнинг ишини бирмунча қийинлаштипрган, аммо, шунга қарамай, у устозининг услубини сақлаб қолишга ҳаракат қилган ва кенчалик бошқалар бу матнларни таҳрир қилишда бирмунчча қийналганлар. Ўз даврида Плотинга кўпчилик маслаҳат сўраб мурожаат қилганлар ва у шу маънода ўз замонасида аксар кишиларнинг маънавий пешвоси бўлган. Бундан ташқари унинг саҳоватпеша ва меҳрибон бўлганллиги шунингдек, ўз уйида етим болаларгга ғамхўрлик қилиб тарбия қилганлиги бот-бот таъкидланади. Унинг унинг кўплаб дўстлари бўлиб,

душманлари йўқ эди, гарчи зоҳид киши бўлганлигига қармай, ахлоқан етук ва табиатан юмшоқ киши сифатида ном қозхзонган. Аммо, Плотиннинг бироз асабий киши бўлганлиги ва бу айниқса, бу унинг маърўзаларида кўпроқ кўзга ташланиб турганлиги хусусида маълумотлар мавжуд. Плотиннинг соғлиғи у қадар яхши бўлмай,МиМил. Авв. 269 270 йиллар чамаси Кампаньедаги қишлоқ уйида вфот этади.

Улкан Рим империясининг вужудга келиши, кучли харбий салоҳият ва административ тузилмага эгалиги, унинг аҳолисининг онги, дунёқарашидаги ўзгаришлар билан бирга кечди. Бу Римга бўйсундирилган давлатларнинг сиёсий мустақиллигини йўқотган, халқ оммаси қашшоқланиши кучайган, бой кишилар қатламининг шаклланган даври эди. Мулкий, ижтимоий тенгсизлик кучаяди, ёвузлик, кулфат ижтимоий ҳаётда ҳукмрон бўла боради, табиийки, бундай ҳолатда кишиларни динга бўлган интилиши кучаяди. Эр.авв. асрда эса, аксинча, динни “унутиш” содир бўла бошлайди. Илмга бўлган интилиш тобора яққолроқ сезила боради. Фалсафадан хусусий фанларнинг ажралиб чиқиш тенденцияси кучая боради. Математика, астрономия, механика, медицина, филалогия, риторика, адабий танқидчилик, адабиётшунослик махсус усулларни қўллайдиган, профессионал фаолият юритишни тақоза этадиган хусусий-илмий билим соҳаларига айлана боради. Илмий кутубхоналар, қўлёзмалар, фондлари ташкил бўла бошлайди. Нафақат Афина балки Александрия, Пергам, Родос ҳам йирик илмий марказга айланади.

Айни пайтда, Шарқдан Ғарбга қараб диний таълимотлар тарқала бошлайди. Бу таълимотлар, улар билан боғлиқ маросимлар мустаҳкамланиши учун қулай шароитга эга бўла борадилар. Улар аралашиб ҳам кетадилар. Рим императорларининг Шарқ маросимларига ёмон кўз билан қарамаганлиги диний таълимотлар, ақидаларнинг ўзаро таъсир этишига, боғланишига ва синкретик кўринишдаги таълимотларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Жамиятда пайдо бўлган мана шундай эҳтиёжга жавобан, фалсафа диний ва баъзи холларда, хатто, мистик мазмун ва кўриниш касб эта боради.

Плотин(203-269) – антик давр фалсафасидаги идеализмнинг энг сўнгги ёрқин вакили. У билан қиёсланганда неоплатонизмни якунлаган Прокл ҳам ижодкор сифатида эмас, кўпроқ аналитик, системага солувчи сифатида машҳур. Плотин ўзидан деярли ярим минг йиллик илгариги меросга мурожаат қилди, уни тиклашга уринди. У кўпроқ мистик, теософдир. Платин Рим императори Гордиан бошчилигидаги 244 йилдаги мувафаққиятсиз юришларда иштирок этгандан кейин Римда жойлашиб, турли хил халқ, миллат вакиллари бўлган, лекин дунёқараши яқин кишиларни бир жамиятга бирлаштирди. Плотин асарларини Порфирий системага солган. Хусусан, у асарларини ҳар қайсиси 9

қисмдан иборат 6 та бўлимга бўлган. “Эннеада” яъни “тўққизлик” номи шундан келиб чиққан.

МУҲОКАМА

Плотин фалсафанинг вазифасини борлиқнинг охирги асоси бўлган илоҳий борликдан келиб чиқиб, бутун мавжудотни тушунтиришдан иборат, деб билган. Бу вазифа фалсафий эмас, балки диний мазмунга эгадир. Уни ҳал этиш воситасини фалсафа ва диалектикада кўрган. Бу вазифа мураккаб, уни фақат даҳолар ҳал эта олиши мумкин, оддий одамлар онгига уни етказиш мумкиндир дейди. “Ота-она қолдирган фарзандларни бегона кишилар тарбиялаганда ўз ота-оналарини аниқлаши қийин бўлганидек, борлиқнинг асосидан қанчалик узоқ кетса, одам унинг моҳиятини тушуниб етишда шунчалик қийналади. Бу қийинчиликларни енгиб ўтиш учун инсон руҳи, жонини хиссиётидан юқори қўя олиши керак. Лекин шундай одамлар ҳам борки, улар ақлий мушоҳада (интелектуал, интиуция) қобилиятига эга”. Ана шулар борлиқнинг ягона асоси, бирлигини тушуниб етишади ва орқага қайтиб, уни оддий халққа тушунтиради.

Жон – ўз ҳолича мавжуд бўлмоқдир. У тана сингари бутундир. Жон тана гармонияси эмас (пифагорчилар шундай дейишган). Шунингдек, жон тана энтелехияси ҳам эмас (агар ундай бўлганда, шакл ҳайкал яшаган материал – мисга қандай муносабатда бўлса, у ҳам танага шундай муносабатда бўлар эди). Шакл тана сингари қисмларга бўлинади. Жон шакл эмас. Барча предмет, ҳодисаларда жон бор, жон улардан мустақил бўлган бошланғич ибтидодир. Олам гўзалдир, у шакл билан таналар қўшилиши натижасидир. Уларни, яъни ўз ҳолича мустақил бўлган нарсаларни қўшадиган реал куч бўлиши керак, у – дунёвий жондир. Лекин жон гўзаллик билан айнан бир нарса эмас, жон бутун дунё учун битта, дунёда эса гўзаллик билан бир қаторда ҳунуклик ҳам мавжуд. Ана шунинг учун ҳам гўзалликни жоннинг прототипи деб тушуниш керак холос.

Жонга шакл берадиган нарса–Ақл. Жон танадан мустақил, унга нисбатан бирламчи бўлгани сингари, ақл ҳам жонга нисатан бирламчи моҳиятдир. Ақл ўз-ўзича мавжуд унинг предикати, яъни асосий хусусияти дунёнинг бирлигидир. Агар предметни муайян борлиқ тарзида фикр қилмоқчи бўлсак, уни бирликдаги, яхлитликдаги борлиқ сифатида тасаввур этишимиз зарур. Жон барча нарсаларни яратади ҳамда уларга бирлик бахш этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, оламда бирлик билан бир қаторда кўплиқ ҳам мавжуд. Бирликни жон ақлдан оладиган бўлса, ақл шаклнинг бирлиги манбаи эмасми? деган савол туғилади. Унга Плотин йўқ, ундай эмас деб жавоб беради. 1) Ақл ўз-ўзини яратадиган моҳият эмас. Унга гўзаллик орқали эришилади,

гўзаллик эса неъматга боғлиқ; 2) Ақл ўзида кўпликни – ғоялар тўпламини мужассамлаштирган.

Ақлни ўз ҳолича олганимизда ҳам унинг иккиланганлигини: фикр қилинаётган нарса билан тафаккурга, предмет ва ақлий фаолликка бўлинади, улардан ташкил топади. Ақл олий даражадаги нарса сифатида, ундан ҳам юқорироқ турган предметга эга. Бу бирликдир. Лекин унинг манбаи нима ?, у қандай кўринишга эга ? У, Плотин фикрича, математик нуқта ҳам, тушунча ҳам эмас. Ягоналик бирлик неъматидир. Платон фикрича ягона бошқа барча нарсалар учун мавжудлик шарт-шароити бўлиши билан бир қаторда, барча предметлар унинг предикати ҳамдир.

Мана шундай мураккаб диалектик табиатга ягона қандай билиш мумкин деган савол қўйиб, билиш назариясини ана шу саволга жавоб сифатида шакллантиради.

Билим ҳақидаги таълимот. Плотин фикрича, билимнинг икки усули мавжуд: 1) Хиссиёт ва 2) ақл. Ҳиссиёт бошланғич асосни билишга қодир эмас. Лекин ақлнинг тушунчалари ва категориялари Ягонага алоқадор эмас, чунки у ҳар қандай тавсифдан юқори туради. Категорияларнинг ичида олийси–борлиқ категорияси. Бу категория мавжудлик ва бирликни (Ягонани) фарқлайди: Ягона мавжудотнинг предикати ҳисобланади. Ўз навбатида, мавжудот турга, шаклга эга. Бироқ бошланғич асосга на шакл, на тур хос. У ҳеч қандай фикрий образга эга эмас. Бошқа барча қатегориялар борлиқ категорияси билан боғлиқ, бироқ Ягонага тегишли эмас. Агар шундай бўлса, Ягонани қандай қилиб билиш мумкин ? деган савол туғилади ва унга жавоб берилади: ҳар бир предмет– Ягона, демак ҳар қандай предмет жон ва шунинг учун ҳам соддага дахлдор. Жон Ягонани билиш даражасига кўтара олади, лекин хиссиёт ёки ақл орқали эмас балки билиш объекти бўлган предметга диққат-эътиборини жамлаш асосида, яъни Ягона бўлмаган барча нарсадан четалашадиган ва фикр-зикрини соддага қаратадиган мушоҳада ёрдамида билишдир. Ягонани билиш у билан қўшилиб кетишдан иборат бўлиб, бунда жон ва Ягона ўзаро мос келади.

НАТИЖАЛАР

Ҳиссий олам мангу мавжуд, у вақтга боғлиқ эмас. Айни пайтда, Плотин Ягонадан келиб чиққан деб ҳисоблайди. Аввал, Плотин фикрича, иккинчи бошланғич асос пайдо бўлган. лекин унинг пайдо бўлиши биринчи бошланғич асос эҳтиёжи билан эмас, балки унинг борлиғининг тўлалиги билан тақозоланган. Бунда биринчи асоснинг борлиғи тўлиб-тошиб кетади, ўз чегарасидан ташқарисига чиқиб, бошқа борлиқни яратади.

Буни қуйидаги мисолда қиёслаб тушунтиради: Қуёш ўзидан нур чиқаради, лекин нур ўз ҳолича шуълаланади. Иккинчи бошланғич асос сингари, аста-секин борлиқнинг бошқа қирралари ва даражалари вужудга келади.

Ягонадан биринчи пайдо бўладиган нарса–Ақл. Унда 3 та жиҳатни фарқлаш лозим: 1) модда тушунчаси; 2) фикр қилинадиган борлиқ; 3) тафаккур.

Ғоялар дунёси сифатида ақл ҳар хил турлар ва шакллардан ташкил топадиган тўпламдир. Турни бирор нарса туридан бошқа нарса деб қабул қилиб бўлмагани учун ғоялар дунёсида “модда” ҳам мавжуд бўлиши керак. “Модда” ҳиссий олам материяси эмас, у ақлнинг бир лаҳзаси бўлган шаклдир. Ҳиссий оламнинг материяси–ўлик материя. Ақл “моддаси” ёки идеал олам борлиқ, мавжудот бўлиб, унинг орқасида Ягона туради. Ҳиссий олам материяси шарпа унинг орқасида борлиқ туради.

“Модда”дан кейин келадиган Ақл лаҳзаси фикр қилинадиган борлиқ, мавжудликдир. Ақлнинг учинчи лаҳзаси тафаккурдир. Мана шу ақл тушунчасининг уч лаҳзасига яралишни уч лаҳзаси тўғри келади. Материя (модда)нинг асоси ўзга (Ягонага нисбатан) бўлади. Бу “ўзга” Ягонага нисбатан тўпламдир. Ўзганинг Ягонага мурожати борлиқни аниқлигини ҳосил қилишга олиб келади. Плотинда ягона ва ақлдан кейин жон туради.

Материя ҳақида. Жоннинг ундан ташқаридагига мурожат қилиши, уни материяга олиб келади. Плотинга эргашгани холда, Плотин оламнинг пайдо бўлиши материяни ёки ноборлиқнинг бўлишини тақоза этади. Табиатдаги барча нарсалар ҳеч нарсадан бўлмагани ёки йўқ бўлмагани сабабли, қандайдир субстрат мавжуд бўлиши керак ва у жисмларнинг сифатлари, хоссалари мавжудлиги асоси бўлади. Ғоялар оламидан ҳиссий қабул қилинадиган олам қуйидагилар билан фарқ қилади: 1) фазода кўламга эгалиги, 2) вақтда узайиши, 3) ҳақиқий эмаслиги билан ажралиб туради.

Оламни ҳосил қилувчи кучлар – ақл фикрлари. Уларда онгсиз тарзда тушунчалар қайд этилган бўлиб манбаи идеал оламидадир. Шунинг учун ҳам ҳиссий оламда содир бўладиган воқеалар тартиби ғоялар оламига тақлид қилади.

Инсон жони илоҳий ва ҳиссий олам чегарасида жойлашган. Унинг илоҳий жон билан бирлиги юқори даражададир. Бу алоқадорлик жоннинг ердаги ҳаётидаги ҳатти-ҳаракати билан боғлиқ. Инсон ўлгандан кейин танадан чиқиб, ўзининг аввалги ҳаётига қайтади. Ақл билан боғланади, ғояларни мушоҳада этади, ҳиссий оламдаги барча неъматлардан халос бўлган жон илоҳият билан қўшилиб кетади. Бунда барча қуйи руҳий функциялар йўқолади: идрок, хотира, ҳаёл, одатлар йўқ бўлади. Агар жон илоҳийлик даражасига кўтарила олмаса, унда қуйи руҳий функцияларни ўзида сақлайди ва жоннинг кўчиши содир бўлади. Бу инсоннинг ерли ҳаётидаги мойилликлари билан белгиланади. Плотин

айтганини эслаймиз: қўшиқни севган кишилар, жони сайроқи қушларга кўчади, йиртиқичликка мойил кишилар жони йиртиқич хайвонларга кўчади.

Жонини янги ҳолати, унинг аввалги мойилликларига мос келиши билан бирга аввалги ҳаёти учун қасосга ҳам дуч келади: бошқа кишиларга нисбатан ноқонуний муносабатда бўлган киши жони, ўз навбатида, бошқа кишиларнинг ноқонуний ҳаракатидан азият чекади.

Плотин жоннинг танага нисбатан муносабати тўғрисидаги аввалги қарашларини этади: жон танага ҳеч қандай фазовий муносабатда бўлмайди. Жон танага худди ўзининг органи сифатида муносабатда бўлади ва эҳтиёжга мувофиқ равишда ташқи олам билан бирлашиб кетади. Жонни 3 турдаги фаолияти мавжуд:

Жоннинг тана билан алоқаси, унинг танага бевосита боғлиқлиги билан белгиланадиган фаолияти. Қуйи руҳий функциялар ана шундайдир.

Жонни танада яшаб турган, лекин айтган пайтда, функциялари унга боғлиқ бўлмаган холатидаги фаолияти.

Жонини тана бевосита алоқада бўлмаган ҳолатидаги фаолияти.

Жоннинг биринчи фаолиятига ҳаяжонланиш, роҳатланиш ёки азобланиш билан боғлиқ ҳолда кечадиган сезгилар тааллуқли. Бундай холатнинг субъекти – жон ва тананинг биргалигида бўлиши: танага ҳаракат ёки ҳаяжонланиш, жонга уларни англаш хосдир. Иккинчи ҳолатга билиш фаолиятининг юқори функциялари тегишли. Биринчи навбатда, бу хотирага тегишли. Плотин хотирани тасаввурлар сақланадиган макон деб билади. Руҳий фаолиятини иккинчи турига тафаккурга ҳам тааллуқли.

Плотин этикаси жоннинг тозалаганини тўғрисидаги мулоҳазалар билан якунланади. Тозаланиш жоннинг танадан озод бўлишидан ерли ҳаёт манфаатларидан халос бўлишидан, илоҳий даражага кўтарилишидан иборат. Бу ҳолатнинг якуни – экстаз, илоҳиятга экстатик шўнғиш, илк Ягона билан бирлашиб кетишдир. Плотин фалсафаси-жаҳон миқёсида қулчилик маданиятининг ҳалокатга учраши даври фалсафаси. Ана шунинг учун ҳам экстаз ерли ҳаёт ташвишларидан ҳоли, ўз-ўзи билан чекланган ҳолат идеал сифатида баҳоланади.

ХУЛОСА

Умуман Плотин каби антик дунё забардаст файласуфларини ўрганиш бугунги инсон дунёқарашини кенгайтиришда жуда катта самара беради албатта. Бунинг сабаби ҳозирги инсоният эришган барча илмий-техникавий ютуқларнинг барчаси Антик дунё олимлари назариялари устига қурилган десак хато бўлмайди

бизнингча. Юқорида биз кўриб чиққан Плотин таълимоти ҳам ана шу уммоннинг бир заррасидирир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Августин Аврелий. Исповедь / Пер. М.Е. Сергеенко. М., 1997.
2. Августин: pro et contra. Личность и идейное наследие блаженного Августина в оценке русских мыслителей: Антология / Отв. ред. Д.К. Бурлака. СПб.: изд-во РХГИ, 2002. - 974 с.
3. Аверинцев С. С. Классическая греческая философия как явление историко-литературного ряда // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 106 -139.
4. Аверинцев С. С. Античная риторика и судьбы античного рационализма // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 7 - 29.
5. Аверинцев С. С. Греческая "литература" и ближневосточная "словесность" // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 40 -105.
6. Аверинцев С. С. Неоплатонизм перед лицом Платоновой критики мифопоэтического мышления // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 150 - 164.
7. Аверинцев С. С. Образ античности в западноевропейской культуре XX в. // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 165-201.
8. Аверинцев С. С. Поэтика ранневизантийской литературы. М., 1977. -320 с.
9. Аверинцев. С.С. Эволюция философской мысли // Культура Византии. IV первая половина VII в. - М.: "Наука", 1984, с.42-77
10. Ю.Адо П. Плотин или Простота взгляда. М., 1991.
11. Адо П. Что такое античная философия? М., 1995.
12. Алипий (Кастальский-Бороздин), Исайя (Белов). Догматическое богословие. Курс лекций. Свято-Троицкая Сергиева лавра, 1999.
13. Ананьин С. А. Учение Плотина о прекрасном // Вера и разум. 1903, № 2, с. 47-57; №3. С. 93-104.
14. Античная литература / Под ред. А. А. Тахо-Годи. М.: Просвещение, 1986.- 464 с.
15. Античность и Византия / Под ред. С. С. Аверинцева. М., 1975.

REFERENCES

1. Августин Аврелий. Исповедь / Пер. М.Е. Сергеенко. М., 1997.

2. Августин: pro et contra. Личность и идейное наследие блаженного Августина в оценке русских мыслителей: Антология / Отв. ред. Д.К. Бурлака. СПб.: изд-во РХГИ, 2002. - 974 с.
3. Аверинцев С. С. Классическая греческая философия как явление историко-литературного ряда // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 106 -139.
4. Аверинцев С. С. Античная риторика и судьбы античного рационализма // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 7 - 29.
5. Аверинцев С. С. Греческая "литература" и ближневосточная "словесность" // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 40 -105.
6. Аверинцев С. С. Неоплатонизм перед лицом Платоновой критики мифопоэтического мышления // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 150 - 164.
7. Аверинцев С. С. Образ античности в западноевропейской культуре XX в. // Образ античности. СПб.: «Азбука-классика», 2004. С. 165-201.
8. Аверинцев С. С. Поэтика ранневизантийской литературы. М., 1977. -320 с.
9. Аверинцев. С.С. Эволюция философской мысли // Культура Византии. IV первая половина VII в. - М.: "Наука", 1984, с.42-77
10. Ю.Адо П. Плотин или Простота взгляда. М., 1991.
11. Адо П. Что такое античная философия? М., 1995.
12. Алипий (Кастальский-Бороздин), Исайя (Белов). Догматическое богословие. Курс лекций. Свято-Троицкая Сергиева лавра, 1999.
13. Ананьин С. А. Учение Плотина о прекрасном // Вера и разум. 1903, № 2, с. 47-57; №3. С. 93-104.
14. Античная литература / Под ред. А. А. Тахо-Годи. М.: Просвещение, 1986.- 464 с.
15. Античность и Византия / Под ред. С. С. Аверинцева. М., 1975.